



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING F A R M O Y I SH I

2021 года «9» августа

22-14-0-F/21

Хокимият города Ташкент

Маблағ ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2021 йил 22 апрелдаги 46-сон мажлис баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Таълим тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4884-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга ошириладиган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги режасининг ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий масалалар бўйича ўринбосари мажмуасининг мурожаатини инобатга олиб,

1. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари (Х.Шакиров), Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

Республика фан олимпиадасининг якуний (республика) босқичини ташкил этишдаги сарф-харажатлари учун Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг захира жамғармаси ҳисобидан 55,0 млн (эллик беш миллион) сўм Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармасига ажратилсин.

2. Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси (Л.Исматуллаев):

2021 йил Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига тегишли ўзгартириш киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент

шаҳри бўйича Ғазначилик бошқармаси (М.Зарипов):

ажратилган маблағни ўрнатилган тартибда молиялаштирилиши таъминлансин.

4. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси (К.Хасанов):

ажратилган маблағларни ўрнатилган тартибда ва мақсадли сарфланиши ҳамда белгиланган тартибда совғалар харид қилиниши таъминлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги Давлат молиявий назорати бошқармаси (Ш.Яриев):

ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши назорат қилинсин.

6. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари Х.Шакиров ва Д.Рахимова зиммаларига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi



ARTIKXODJAYEV J. A.